УзССР давлат китоб палатаси
Давлат нашриёт палатаси УзССР
2 - СЕН 1992

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ, ҚАМАРИЙ, 1413 ЙИЛ, САФАР, 21-КУН.
ШАМСИЙ, 1371 ЙИЛ, АСАД, 30-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1992 ЙИЛ 21 АВГУСТ, ЖУМА, 162-СОН • 413 • | НАРХИ: СОТУВДА 2 СЎМ.

ВАТАН, ОДИМЛАРИНГ ҚУТ, РИВОЖ БЎЛСИН, ИСТИҚЛОЛИНГ АБАД БОШГА ТОЖ БЎЛСИН!

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

ТОШКЕНТ УЙ - ЖОЙЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРА БОШЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси Тошкентдаги давлатга қарашли уйларни хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳужжатда бу кенг кўламли тадбир фуқароларнинг молмулк ҳуқуқларини таъминлаш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш мақсадида амалга оширилаётгани таъкидланган.

Хусусийлаштириш қандай ўтади? Шу қадар жиддий ишни ўтказишнинг пухта воситаси мавжудми? ЎзА мухбири Л. Левин билан Ўзбекистон Республикаси давлат мол-мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш комитети раисининг биринчи ўринбосари Ш. Ғафуров шу ҳақда суҳбатлашдилар.

— Шуҳрат Рашидович, хусусийлаштиришни одатда кичик дўконларни, магазинларни шахсий мулк қилиб беришдан бошлашларини биламиз. Бу ерда эса бирданига уй-жойлар хусусийлаштирилмоқда. Яна қаерда денг — республика пойтахтида.

— Бунда ҳеч қандай тасодиф йўқ. Биз энг мураккаб муаммони ҳал этишга — уй-жойларни мулк қилиб топширишга қўл урдик. Айтмоқчи, Вазирлар маҳкамасининг қарорида айтилганидек, бу тадбир кенг кўламли тажриба доирасида ўтади. Тошкент ҳокимияти ва бизнинг комитетимиз бу тадбирнинг ташаббускори бўлди.

Биз мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги барча республикаларда хусусийлаштириш тажрибасини диққат-эътибор билан ўргандик, шуни ҳам айтиш керакки, кўпгина хорижий мамлакатларда уй-жойларни хусусийлаштириш муваффақиятсиз чиққан. Хуллас, бу жуда муҳим ижтимоий муаммони ҳал этишга ёндашувимизнинг ўзи кўп жиҳатдан фарқ қилади.

Ўзбекистон аҳолисининг, жумладан тошкентликларнинг даромадлари МДҲдаги бошқа республикаларга нисбатан камроқ, шу сабабли Ўзбекистон фуқароларининг кўпгина тоифалари уй-жойларни бепул ўз мулки қилиб олиш имтиёзига эга бўлдилар. Шу тариқа бу ишда маълум тажрибамиз бор. Сентябрь ойида бошланадиган хусусийлаштириш тадбирларига келганда эса, ундаги асосий жиҳат шундан иборатки, республика пойтахти аҳолиси ўз квартираларини қийматининг қолдиғини тўлаб сотиб оладилар.

— Қиймат қолдиғи қандай аниқланади?

— Катта ишни бирданига бажариб бўлмаслигини тушунасиз. Шу сабабли бу тадбирни амалга оширишга пухта тайёргарлик кўрдик. Тошкент бешта зонага ажратилди. Уйларга уларни қайси ўн йилликда фойдаланишга топширилганига қараб баҳо қўйилади. Масалан, уларнинг бир қисми 1940 йилгача фойдаланишга топширилган бўлса, бошқа қисми — 1950 йилгача, учинчи қисми — 1960 йилгача фойдаланишга топширилган ва ҳоказо. Равшанки, уй қанчалик эски бўлса унда яшовчилар шунча кам ҳақ тўлайдилар.

Энди бешта зона, тўғрироғи Тошкентнинг ҳалқалари тўғрисида. Биринчи зонадаги уйлар — шаҳарнинг марказидан иборат бўлиб, улар қолган бошқа жойлардаги уйларга нисбатан қимматроқ туриши тушунарли. Уйлар марказдан қанчалик узоқ бўлса, шунчалик арзон бўлади. Лекин уйларни баҳолаш даврида фақат шу жиҳатигина ҳисобга олинмайди. Биз кўп балли жадвални ишлаб чиққанмиз, унда деярли ҳамма нарса: уйнинг магазиндан ёки жамоат транспорти бекатидан узоқлиги, унинг серқатнов, бинобарин машиналар ҳавони кўп булғатадиган кўчалар бўйида жойлашганлиги, неча қаватлиги ва бошқа жиҳатлари ҳисобга олинган.

Аниқ мисол келтириб ўтаман: учинчи ҳалқада жойлашган, 70-йилларнинг бошларида фойдаланишга топширилган уйдаги уч хонали квартира унинг бўлажак эгаларига 12—14 минг сўмга тушади. Лекин улар биринчи, икки энг юқори қаватда яшасалар (бундай ҳолларда уй остидаги ертўланинг сув босиши ёки томдан чакка ўтиши ҳисобга олинади), режалаштирилаётган қиймат ўз-ўзидан олти фоиз арзонлаштирилади. Башарти, уй транспорт шовқини эшитилмайдиган даҳа ичкарисида жойлашган бўлса, бундай ҳолларда унинг қиймати олти фоиз ортади. Аэропортдан, темир йўл вокзалларидан, йирик саноат корхоналаридан ажратилган зоналарда яшовчилар учун квартираларни сотиб олиш 10 фоиз арзонга тушади.

Яна бир муҳим жиҳати: квартираларнинг бўлажак эгаларига қарзини тўлаш учун беш йил муддат берилади. Тўғри, биринчи йили улар 40 фоизини тўлашлари керак. Сотиб олинаётган уйнинг қийматини бирданига тўлашни хоҳлаганлар учун уйнинг қиймати 10 фоиз чегирилади, кимки икки ярим йилда тўласа — 5 фоиз чегирилади. Кўриб турибсизки, ҳозирги иш ҳақи даражаси ҳисобга олинса, уйларнинг қиймати мақбул келади. Бу йил уй олганларга эса бу уйлар жуда қимматлиги сабабли уларга катта имтиёзлар берилган. Улар учун тўлов муддати 10 йил қилиб белгиланган, дастлаб улар уй қийматининг 20 фоизини тўлашлари керак. Шунингдек уларга навбатдан ташқари кредит олиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Уй-жойни сотиб олишга қурби етмайдиган ёки уй эгаси бўлишни хоҳламаган кишилар бўлсачи?

— Биринчи тоифадаги фуқароларга, шунингдек янги уйланганларга имтиёзли кредит берилади. Квартирани сотиб олишни хоҳламаганлар эса район ҳокимиятлари билан ижара муносабатларига ўтишларига тўғри келади. Олдиндан айтиб қўяй: ижара муносабатларига ўтиш улар учун фойдали эмас!

(Давоми 2-бетда).

Вилоятлараро мусобақа-анъаналаридан бири. Эндиликда бу удум янги мазмун ва моҳият касб этмоқда: ўзаро мусобақалашиш, ўзаро кўмаклашиш, баҳамжиҳат иш юритиш мезонига айланди. Бу ҳол хоразмлик пахтакорларнинг вакиллари фарғоналиклар ҳузурида бўлишганда яққол аён бўлди.

СУРАТДА: хоразмлик мусобақадошлар — «Боғот» давлат хўжалиги директори Машариф Қуввақов, Боғот райони ҳокими Абдуқаҳҳор Абдусаматов, Боғдод районидаги «Олтин водий» деҳқон хўжалигининг ранси Мирзараҳмат Исабоев ҳамроҳлигида хўжалик пахтазорларини кўздан кечирмоқдалар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

• *Одамийлик ўлмасин*

ЯХШИЛИКНИНГ УМРИ УЗУН

Инсон шу алғов-далғов дунёда орзу-ҳавас билан яшайди. Ҳамма нарса ўтмиш қаърига сингиб йўқолишини, сувлар оқиб кетаверишини, фақат яхшилик, меҳр-муҳаббатгина қалбларда абадий қолишини яхши билади. Шундай бўлса-да, баъзан бировдан ширин сўзни, ёрдамини аяйди. Ҳатто шу бурчи эканлигини билиб турса-да, ғафлатга берилади.

Баъзан бойлик изидан чопамиз. Шон-шуҳрат, манфаат этагига ёпишамиз. Лекин ҳаётда энг катта бойлик — саломатлигимиз эканлигини ҳамма вақт ҳам ҳис қилавермаймиз. Хом сут эмган бандалармиз-да.

Мен асли Хоразмда яшайман. Яқинда ҳамкасбим Гулчеҳра Отабоева билан Бухорога хизмат сафарига бордик. Ишларимизни тугатиб, ойламиз бағрига қайтамиз деб, йўлга чиққанда овқатдан заҳарланиб қолдик. Бизни Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлимига оғир аҳволда келтиришди. Шунда шифокорлар жонимизга оро киришди. Умримизга-умр қўшиб, ҳаётга қайтаришди. Реанимация бўлими мудири Фазлиддин Ҳолов бошчилигида шифокорлар Фазлиддин Ражабов, Ҳамдам Ҳайитов, Акмал Тешаев ва Ҳудойқул Нурматовлар тез кунда соғайиб кетишимизга сабабчи бўлдилар. Ҳамширалар Шоира Ҳамроева, Олимахон Жўраева, Шоира Қодирова, Темиржон Сафаровалар атрофимизда гирдикапалак бўлиб, бор кўмакларини, меҳрларини аямадилар. Дард фақатгина дори-дармон билан чекинмас экан, меҳрли сўзлар ҳам малҳам бўларкан.

Яратганга шукрки, саломатлигимизни тиклаб, ойламиз бағрига қайтдик. Юқорида номлари келтирилган шифокорларга дил сўзларимизни изҳор этишга ўзимизни бурчли деб билдик. Яхшиликнинг умри узоқ бўлади, бизга мурувват кўрсатган бу шифокорларга ҳам узоқ умр тилаб қоламиз.

Тўхтажон ИБРОҲИМОВА,
Гулчеҳра ОТАБОЕВА.

• **Мустақиллик куни олдидан**

«БУ ҲАММАМИЗНИНГ БАЙРАМИМИЗ...»

Байрамга уйларни безатиш қадимий яхши одат. Бу анъана ҳозир жуда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шонли сана — Ўзбекистон Мустақиллиги куни -байрами арафасида республиканинг шаҳар ва қишлоқлари безатилиб, тантанали тус олади. Айниқса, пойтахтнинг жамоли ўзгача бўлади. Шаҳарнинг бош мусаввири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Р. Ғ. ЮСУПОВ Тошкентда байрамга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида сўзлаб берди:

— Тайёргарлик чоғида муайян қийинчиликларга дуч келдик, одатдаги андозалардан чекинмоқни бўлдик. Илгари 1 май, 7 ноябрь байрамлари қандай нишонланганини эслаб кўринг... Адбатта тантанали йиғилиш, расмий концерт, парад ва намойиш бўларди. Биз байрамни янгича, чинакам халқ байрамига айлантиришга аҳд қилдик.

Режиссёрларнинг катта гуруҳи тайёрлаган сценарий асосий тадбирларни шаҳарнинг бир неча жойида ўтказишни кўзда тутади. Бу жойлар — Мустақиллик майдони, анҳор соҳили —Навоий кўчасидан Ўзбекистон кўчасигача, Ҳалқлар Дўстлиги майдони ва Алишер Навоий номли театр олдидаги майдон, Ўзбекистон Миллий боғи, шунингдек Тошкент марказидаги пиёдалар учун мўлжалланган йўлкадан иборат. Сценарийга мувофиқ шу жойларни безатиб, уларда шонли сананинг моҳиятини акс эттирмоқчимиз, Ўзбекистон кўп йиллар давомида босиб ўтган йўл ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчимиз.

Асосий воқеалар Тошкентнинг марказий майдонида, яъни Мустақиллик майдонида ўтади. Эни 30 ва узунлиги 45 метрли улкан саҳна мустақиллик ёдгорлиги олдида барпо этилади. Бу саҳна республикадаги театрларнинг артистларига ҳамда ҳаваскор ижодий жамоаларга бериб қўйилади. МДҲнинг кўпгина давлатларидан келган артистлар, «олис» хориждан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам шу ерда байрамга бағишланган томошаларни намойиш этадилар.

Ҳозир майдонни ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда. Бу иш билан «Главташкентстрой» 12-трести ҳамда Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлигининг темир конструкциялар тресті мутахассислари шуғулланишмоқда. Улар муваққат мустақиллик ёдгорлигини тиклашяпти, томошабинларга мўлжалланган минбарлар қуришяпти. Манзарали боғдорчилик давлат хўжалиги ва «Тошкент гуллари» фирмасининг ходимлари саҳна теварагига салкам 2 минг квадрат метр жойга гуллар ўтқазиб, яшил гилам ҳосил қилмоқдалар. Ана шу майдонда ял-ял товланувчи «райграз» ўти ўсиб туради ва 6 та катта гулзор барпо этиладики, улар биргаликда юлдуз шаклини оладди. Саҳнанинг икки томонида рангдор сўзаналар бўлади. Уларга байрам шиори — «мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик» сўзлари ёзиб қўйилади. Саҳнанинг икки томонига турли рангдаги байроқларни илиб қўямиз. Ёдгорлик қаршисида катта сурат ўрнатилади. Суратнинг ўртасида Ўзбекистон давлат тамғаси, унинг атрофида жаҳондаги кўпгина давлатларнинг байроқлари тасвирланади. Бу эса республикамиз мустақиллигининг, унинг жаҳон ҳамжамияти бошқа аъзолари орасида улар билан тенг бўлишга интилаётганлигининг рамзидир.

Байрамни ёритишга катта эътибор берилаяпти. Бутун шаҳарда хилма-хил рангли минглаб чироқлар порлайди, улар миллий рамз белгиси туширилган чиройли паннони ёритади. Москва ва Харьковдан келган мушакбозлар тошкентликларга совға тайёрлашмоқда. Байрамга аталган бу ғайриоддий мушакларни улар ўзлари олиб келишади.

Байрам кунларида Халқлар дўстлиги майдони 13 та миллий-маданий марказ ихтиёрига бериб қўйилади. Бу ерда фольклор ва этнография жамоалари Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг миллий ва маданий ҳаётини акс эттирадилар. Шу сабабли майдонни безатишда байналмилаллик мавзусининг бўлиши шарт қилиб қўйилган. Ўзбекистон Миллий боғида, Алишер Навоий ҳайкали олдидаги ҳиёбонда Шарқнинг машҳур шоирлари ва файласуфлари суратлари қўйилади. Ҳар бир суратнинг остида ёзувчиларнинг асарларидан ватан мустақиллиги ғояси азалий эканлигини, бу халқнинг эзгу орзуси эканлигини тасдиқловчи парчалар ёзиб қўйилади.

Алишер Навоий номли театр олдидаги майдонни безашда болалар мавзуси устун бўлади. Бу ерда кичкинтойлар учун қувноқ байрам бўлиб ўтади. Ёш тошкентликлар қўғирчоқбозлар, цирк артистлари, масхарабозлар билан учрашадилар. Бу ердаги фаввора турли рангларда товланади. Ҳаво шарлари, хилма-хил байроқчалар, ичи ҳаво билан тўлдирилган қўғирчоқлар осмонга кўтарилади.

Шаҳарнинг асосий кўчалари ҳам байрам либосига бурканади. Меҳмонлар аэропортдан бошлаб «Мустақил Ўзбекистонга хуш келибсиз!» деган сўзлар ёзилган транспарантлар билан кутиб олинади. Катта йўлларнинг четига Ўзбекистон тамғаси ва байроғи, байрам эмблемаси тасвирланган юзлаб байроқчаларни осиб қўямиз. Лекин Республика байроғининг ранглари — яшил, оқ ва кўк рангдан кўпроқ фойдаланилади.

Шаҳарнинг ҳар бир районида ўз халқ сайллари марказ бўлади. Маҳаллаларда, даҳаларда байрам маросимларни ташкил қилинади. Маҳаллий ҳаваскор рассомларнинг ташаббусига ва ҳаёлотига кенг йўл очиб берилди. Тошкентликлар ва меҳмонлар байрамнинг тиғиз режаларидан ўзларига энг мақбулларини танлаб олишлари учун ўзбек ва рус тилларида махсус афиша чиқардик. Унда шаҳарнинг турли жойларида ўтадиган барча тадбирлар ҳақида батафсил хабар берилган.

Ғоят хилма-хил мутахассислар жамоаси Тошкентни бўлажак тантаналар муносабати билан безашга киришганлар. «Манзара» ва «Рассом» комбинатларининг, Тошкент ободончилик Бош бошқармасининг ходимлари хормай-толмай меҳнат қилишяпти. Байрамга тайёргарлик ишларини 25 августгача тугаллашни режалаштирганмиз. Бироқ, менинг назаримда, шаҳарни безатиш — ҳамма тошкентликларнинг ҳам ишидир. Айрим уй ва маҳалла комитетлари шонли санага бағишлаб шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу таклифни тошкентликлар қўллаб-қувватлаб, бўш вақтларида кўчаларга чиқиб, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш билан шуғулланаётганларга ёрдам беришларини истаймиз, чунки Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни — ҳаммамизнинг муштарак байрамимиздир.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН Ватаним маним

«ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

ҲОКИМЛИКДАГИ АҲВОЛ ХАЛҚҚА МАЪЛУМ

БУХОРО шаҳрида матбуот маркази иш бошлади.

Марказ ходимлари шаҳар ҳокимлиги, унинг бўлим ва бошқармалари фаолиятидан аҳолини хабардор қилиб борадилар. Боз устига бозорни халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш, умуминсоний, миллий қадриятларни тиклаш борасидаги ҳаракатларни ҳам ташвиқ қилиш ниятидалар.

ЙЎЛОВЧИЛАР ҚИЙНАЛИШМАЙДИ

АНДИЖОН автовокзали кунига 20 минг йўловчига хизмат қилаяпти.

Майдони ярим гектарга кенгайди. Автобусларга алоҳида-алоҳида тўхташ жойлари қурилди. Иккита қаҳвахона, чойхона, савдо растаси, она ва болалар хонаси, юкларни сақлаш бўлими, китоб дўкони йўловчилар билан гавжум.

ИСТИҚЛОЛ МУБОРАК, ЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

АНДИЖОН давлат университетида «Истиқлолинг муборак, жонажон Ўзбекистон, ватаним маним» деб номланган кўргазма очилди.

Икки бўлимдан иборат бу кўргазмада тарихимизга доир нодир ҳужжатлар ва суратлар тўпланган. Мустақил давлатимизнинг байроғи ва рамзи ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинган сурат-лавҳалар ҳам намойиш этилаяпти.

БУЮРИНГ, БАЖО КЕЛТИРИЛАДИ

Ф. САТТОРОВ «Фурқат» номли хусусий кичик корхона очди.

Пастдарғом районидаги Тўртайғир қишлоғида ишлаётган ушбу корхонада диван, кресло, болалар боғчалари учун стол-стуллар, кроватлар ясалмоқда. Эски уй жиҳозлари таъмирланмоқда. Енгил автомашиналар учун жилдлар тикилмоқда. Барча ишлар буюртмачилар билан шартнома асосида бажарилаяпти.

ОЛИС ҚИШЛОҚДА ХОРИЖИЙ ДЎКОН

АФҒОНИСТОН фуқароси Собир Муҳаммад Самарқанд вилоятининг Туркибола қишлоғидаги фойдаланилмай ётган чойхона биносини ижарага олиб, уни хусусий дўконга айлантирди.

Пештахталарга Афғонистон, Япония, Америка сингари мамлакатларда тайёрланган турли газламалар, кийим-кечак, радио ва видеотехника жиҳозлари, Франция атир-упалари қўйилган. Қишлоқ аҳолиси, қўшни хўжаликларда яшовчилар бажонидил харид қилаяпти.

ЛАНГАР 50 ЁШДА

ДЕНГИЗ сатҳидан 2 минг метр баландликдаги Оқтов чўққилари бағрида Лангар конининг 50 йиллиги нишонланди.

Ҳозир кондан олинадиган биргина дала шпатининг ўзи жуда кўп соҳаларда — чинни, сопол буюмлари, турли сервизларни безашда, электр симлари қопламаси, автомобиль ўт олдиргичлари, тиббиёт-санитария техника воситалари тайёрлашда ишлатиляпти. Шу пайтгача Навоий вилоятидаги ушбу кон маҳсулоти, асосан республикадан четга жўнатилар эди.

ЧАШМА БУЙИДА «УСТА»

СИЕБ районининг Тошохур даҳасидаги чашма атрофи таъмирланмоқда.

Усталар бу ерларнинг Амир Темур давридаги кўринишини тиклаш ниятида. Бу юмушни «Уста» бирлашмасининг бунёдкорлари зиммаларига олишган.

ТАХИ БУЗИЛМАГАН КИТОБЛАР — МАКУЛАТУРАГА

В. И. ЛЕНИН ва Н. Хрушчевнинг бир вақтлар нашр этилган асарлари макулатурага топширилади ган бўлди.

Навоий район маданият бўлимига қарашли кўзи ожизлар марказий кутубхонасида 6 минг жилд китоб бор. Кутубхона мудири Жуманиёз Токпанов миллий маданиятимиз ноёб асарларига жой ажратиш мақсадида жавонларда тахи бузилмай сақланган ана шу китобларнинг баҳридан ўтмоқчи.

• *Янги соҳа истиқболи*

Бундан олти ой муқаддам Республика Ўрмончилик давлат комитети ҳузурида доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган «Шифобахш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган эди. Бу қандай зарурат тақозоси ва янги бирлашманинг тетапоя қадамлари қандай кечаяпти? Мухбирларимизнинг бирлашма бош директори, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Маъмур ОЛЛАЁРОВ билан суҳбати ана шу саволлар орқали бошланди.

ШИФОСИ ҲАМ ЎЗИДА

Доривор ўсимликлар етиштириш бизда энди пайдо бўлаётгани йўқ. Ўрмон хўжаликлари бу иш билан ўн беш йилдан бери шуғулланмоқда. Энди у аниқ истиқболга эга бўлган мустақил тармоққа айланди, жойларда хўжалик юритишнинг илмий асосланган, замонавий усуллари кенг қўлланилмоқда. Бинобарин, ўтган йил охирида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Шифобахш» ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш тўғрисидаги қароридан ҳам мақсад шу. Эндиликда доривор ўсимликларни териш, дастлабки қайта ишлаш, истеъмолчиларга жўнатиш олдидан қадоқлаш ишлари ҳам бирлашма зиммасига юклатилган. Бизнинг асосий вазифамиз — соғлиқни сақлаш, медицина ва озиқ-овқат саноатининг фойдали ўсимликларга бўлган эҳтиёжини қондириш, ортиқчасини чет мамлакатларга сотиш. Бинобарин, ҳозир бунга эҳтиёж бор, ўйлайманки, у янада ортади.

Агар ҳозир республикада турли дори-дармонлар, витаминлар, озиқ-овқатларга қўшилган моддалар ўта тақчил бўлиб тургани назарга олинса, бирлашма олдига қўйилган вазифанинг долзарб ва ҳаётий зарурат эканлигини англаш қийин эмас. Айниқса, кимё-доришунослик саноати учун хом ашё топиш муҳим. Шукрки, Ўзбекистонимиз доривор ва зиравор ўсимликлар ўсаётган экологик тоза масканларга бой. Ғарбий Тиёншон массивида нималар йўқ дейсиз! Энди ўлкамизнинг табиий бойликлари элимиз соғлиғига хизмат қилади, лекин бунда табиатга бирон бир зиён-заҳмат етказилмайди. Атроф-муҳитини кўз қорачиғидай асраш, уни янада бойитиш, доривор ва зиравор ўсимликларни асосан суғориладиган майдонларда сунъий етиштириш-ни йўлга қўйиш, бу борада ихтисослаштиришга эътиборни қаратиш бизнинг биринчи навбатдаги вазифаларимиздир.

Янги тармоқнинг келажаги порлоқ дейишга асосларимиз бор. Тикланиш даври муваффақиятли ўтаяпти. Бунда район ва вилоят ҳокимликлари яқиндан ёрдам беришмоқда, кўплаб муаммолар ечимида, айниқса, ташкилий масалаларда кўмакларини аяшмаяпти.

— Бирлашманинг ташкил этилиши тайёрлов ташкилотлари фаолиятига қандай янгиликлар, ўзгаришлар киритди?

— Аввало шуни айтай: бирлашмамиз тўла хўжалик ҳисобида ишлайдиган мустақил ишлаб чиқариш бўлинмасидир. Бироқ, ҳозирча мўмай ва катта даромадлар ҳақида гапиролмаймиз. Сабаби — маҳсулотларимизга нарх белгилаш муаммолари ҳалигача ҳал этилмаётир. Шу боиси, доривор ўсимликларни тайёрлаш иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлиги ҳаммага маълум бўлса-да, тайёрловчиларни моддий рағбатлантириш масалалари ҳали ўз ечимини топмаётир. Тармоғимизда имкониятлар беҳисоб, тадбиркор ва ишбилармонлар учун фаолият майдони кенг. Битта мисол келтирай: бир гектардан 2 тоннагача қуритилган кийик ўти тайёрлаш мумкин. Унинг ҳар килограмми камида 12 сўм туради. Демак, ҳар гектар ер 24 минг сўм даромад келтиради. Ваҳоланки, ўсимлик яхши парваришланса, йилига икки марта ҳосил олиш мумкин. Бундай мисоллар оз эмас.

Энди тармоқнинг тикланиш жараёни қандай кечаётгани ҳақида. 1992 йил бошида Ўрмончилик давлат комитети таркибида ихтисослаштирилган атиги битта хўжалик — Наманган вилоятининг Поп районидаги Абу Али ибн Сино номли совхоз мавжуд эди. Ёлғиз отнинг чанги чиқсада донғи чиқмайди, деган нақл бор. Шу жиҳатдан олганда ҳозирги улкан талаб ва эҳтиёжларни қондириш учун биргина хўжалик кифоя эмас. Мана шунинг учун ҳам ҳукумат қарорида барча вилоятларда биттадан ихтисослаштирилган хўжалик ташкил этиш вазифаси қўйилди. Жорий йилда Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ана шундай хўжаликлар барпо этилди. Уларнинг ҳаммаси тажрибали раҳбарлар, мутахассислар, ишчилар билан таъминландилар. Яқин орада Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳам шундай хўжаликлар ташкил этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ихтисослаштирилган хўжаликлар сонининг кўпайиши Ўрмон хўжаликларини илгариги масъулиятларидан соқит қилмайди. Аксинча, 26 ўрмон хўжалиги, яъни жами хўжаликларнинг ярмидан кўпроғи доривор ва зиравор ўсимликларни парваришлаш, йиғиб-териш ва топшириш билан шуғулланаверадилар. Фақат энди улар бизнинг тасарруфимизда бўладилар. Уларнинг кучи билан шу йилнинг ўзида камида 900 тонна доривор ва зиравор ўсимликлар тайёрлаш ҳамда сотиш белгиланган.

Бу кўпми ёки оз? Агар бизнинг товарлар ўта қуруқлиги, эзиш, янчиш мумкин эмаслиги назарда тутилса — кўп. Бултургига қиёслайдиган бўлсак, умумий ҳажм 200 тонна ортади. Турлари ҳам кўпаяди.

— Энди бирлашманинг мижозлари — ишлаб чиқарилаётган, тайёрланаётган товарларни сотиб олаётган харидорлар ҳақида. Улар ишончли шериклармн, шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажараяптиларми?

— Очиғи, бировдан шикоят қилишни ёқтирмайман. Барча буюртмачиларимиз, жумладан, бирлашманинг ўзи ҳам шартнома талабларига қатъий риоя қилмоқдалар. Тайёрланган маҳсулотларнинг асосий қисми жумҳурият ичида қолдирилаяпти. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Доричилик» ишлаб чиқариш бирлашмаси, медицина саноатининг бир қатор корхоналари асосий истеъмолчилар вазифасини бажаришмоқда. Тошкент кимё-фармацевтика заводи бизнинг энг йирик истеъмолчимиздир. Эски дўстларимизни ҳам унутганимиз йўқ, чунончи Чимкент, Йошкарола фармацевтика, Уфа витамин заводлари билан ҳанузгача қалин алоқадамиз. Улар билан олди-соттимиз мутлақо ўзаро фойдали шартлар асосидаки, бундан дўстларимиз ҳам, биз ҳам наф кўрамиз, холос. Биз уларга хом ашё жўнатамиз, улар эса бизга дори-дармонлар.

— Доривор ва зиравор ўсимликларни суғориладиган майдонларда етиштириш, бундай далаларни тобора кенгайтириш, ёввойи ўсимликлар, мева, резаворлор теришни қисқартириш табиийки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологияни ҳимоялаш тадбирлари билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, айтингчи, атроф-муҳит учун илгариги хавф-хатар йўқоладими?

— Афсуски, кўрилаётган чора-тадбирлар етарли эмас. Баъзи ўзбошимча тайёрловчилар, жумладан, кооперативлар камёб ўсимликларни, ҳатто Қизил китобга киритилганларини ҳам беаёв, пала-партиш юлмоқдалар. Ахир, улар беадад эмаски, сира тугамаса! Бу ноёб наботот оламини асраш, келгуси авлодлар учун сақлаш жамоатчилик ва ҳуқуқ органлари билан бир қаторда ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ўлкамизда инсон учун фойдали бўлган ўсимликларнинг 500 дан зиёд тури учрайди. Уларнинг ҳаммасини кўз қорачиғидай асраб, келгуси авлодларимизга етказиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Суҳбатдош:

Н. ШАКАРОВ,
И. АҲМЕДОВ.

Ҳусниддин АСОМОВ

Ўзбекистон меъморчилиги ва бинокорлиги оғир жудоликка учради. Тошкент Типовой ва тажриба лойиҳалаштириш зона илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг директори Ҳусниддин Асомов 1992 йил 19 август куни 60 ёшида тўсатдан вафот этди.

Ҳ. Асомов 1932 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1955 йилда Ўрта Осиё Политехника институтининг қурилиш факультетини битиргач, «Средазсвинецшахтострой» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармасида меҳнат фаолиятини бошлади. Иш бажарувчидан тортиб, қурилиш трестининг бошқарувчисигача бўлган меҳнат йўлини босиб ўтди.

1960 йилдан 1963 йилгача партия ишида бўлди. 1963 йилдан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети Ижроия комитетининг раиси этиб сайланди. 1972 йилдан бошлаб Тошкент Типовой ва тажриба лойиҳалаштириш зона илмий тадқиқот ва лойиҳа институтининг директори лавозимида тинимсиз ишлаб келди. 1966 йилги Тошкент зилзиласининг қийин кунларида Ҳ. Асомовнинг раҳбарлик истеъдоди, беқиёс ишчанлиги ва фидокорлиги, айниқса, намоён бўлди. У зилзила оқибатларини тугатиш, шаҳар аҳолисининг турмушини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни чаққон ҳал этувчи шаҳар штабига шахсан бошчилик қилди. Орттирилган билим ва тажрибадан Газли ва Спитак зилзилалари оқибатини тугатишда фойдаланилди.

У шаҳарнинг илгаридан таркиб топган қисмини таъмирлашга кўп эътибор берди.

Ҳ. Асомов бинокорлик фанини ва меъморчиликни ривожлантиришга шахсан катта ҳисса қўшди. У 40 тадан ортиқ асар ва иккита монографиянинг муаллифидир.

Ҳ. Асомов меҳнат фаолиятини жамоат иши билан фаол қўшиб олиб борди. У халқ депутатлари район ва Тошкент шаҳар кенгашлари депутати, Ўзбекистон Олий Кенгашининг депутати, Олий Кенгаш Президиумининг аъзоси этиб бир неча бор сайланди. Кейинги йилларда у Тошкент шаҳар Кенгашининг қурилиш ва меъморчилик масалалари доимий комиссиясига узлуксиз раҳбарлик қилди.

Ўзининг меҳнат, илмий ва жамоат фаолияти учун Ҳ. Асомов давлатнинг кўпгина мукофотларига сазовор бўлди. Унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган бинокор» унвони берилди.

Ҳ. Асомов собитлиги ва диёнатлилиги билан, содиқлиги ва зўр ватанпарварлиги билан ажралиб турар эди.

У нодир ташкилотчилик истеъдоди, ишчанлиги, мақсадга эришиш йўлидаги қатъиятлилиги, собитлиги, шахсий камтаринлиги, сезгирлиги ва саховати туфайли жамоатчилик, касбдошлари ва дўстлари орасида муносиб обрў-эътибор қозонди.

Ҳусниддин Асомовнинг порлоқ хотираси дилимизда мангу яшайди.

И. А. Каримов, Ш. М. Йўлдошев, Р. Р. Ражабов, А. М. Муталов, И. Ҳ. Жўрабеков, К. Н. Тўлаганов, А. И. Фозилбеков, А. В. Ғаниев, Э. Р. Рустамов, К. М. Рафиқов.

ТОШКЕНТ УЙ - ЖОЙЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРА БОШЛАЙДИ

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағ тўғрисида гапирсак, бу маблағ махсус жамғармани тўлдиради. Бу пуллар аҳолининг энг камбағал табақаларига ёрдам беришга, қисман янги уй-жой қуришга сарфланади. Айтмоқчи, район ҳокимиятларида уй олиш учун одатдаги навбатлар бўлмайди. Ўз уй шароитини яхшилашни хоҳлаган кишилар ким ошди савдосида квартира сотиб оладилар. Асосий эътибор вазирликлар, идоралар ва саноат корхоналарига қаратилмоқда. Бозор иқтисодиёти барқарор фойда олишни кўзда тутади. Вазирликлар, идоралар ва саноат корхоналари оладиган фойда уларнинг ходимлари учун уй-жой қуришга сарфланади. Бошқача айтганда, меҳнат жамоаси қанчалик кўп фойда олиб ишласа, у ижтимоий бойликдан шу қадар кўпроқ баҳраманд бўлади. Хуллас, корхонанинг пули бўлса, у ҳозирнинг ўзидаёқ ходимлари яшаётган квартираларни уларга текинга мулк қилиб бериши мумкин.

— Хусусийлаштириш ҳар бир фуқарога нима беради?

— Фуқаро уй-жойини ўзи хоҳлаганча тасарруф этишга: мерос қилиб қолдиришга, алмаштиришга, сотишга ҳақли бўлади. Фақат бир шарти бор: уй республикада камида беш йил рўйхатдан ўтиб истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқаросига сотилиши мумкин. Квартирада яшовчиларни рўйхатдан ўтказишга доир барча чеклашлар бекор қилинади. Уй-жойнинг торлигига қарамай, унда неча киши яшашига рухсат этиш уй эгасининг иши бўлиб қолади.

Айтмоқчи, квартираларни ҳозиргача сотиб олган кишиларнинг ташвишланишларига ҳожат йўқ. Улар ҳеч қандай қўшимча ҳақ тўлашмайди. Чунки, қонун қабул қилинган пайтдан кейинги давр учун амал қилади.

— Ҳар ҳолда, Шуҳрат Рашидович, ўқитувчилар, олий ўқув юртларининг муаллимлари, шифокорлар ўз квартираларнинг эгалари бўлиб қолишган эди, улар коммунал хизмат ҳақи кескин ошганлигини эшитиб ҳайрон бўлиб қолишди. Хўш, бунда қандай маъно бор?

— Шугина эмас, айрим кишилар квартираларини давлатга қайтариб беришга ҳам уриниб кўришди. Лекин шошилмаслик керак. 1992 йил коммунал хизматлар давлатдан миллион-миллион сўмлаб ёрдам оладиган сўнгги йилдир. Уй-жойларини биринчи бўлиб хусусийлаштирган кишилар бошқаларга нисбатан вақтинча қийин аҳволда қолишди. Келгуси йилнинг биринчи чорагидан бошлаб коммунал хизмат ҳақи қайта кўриб чиқилади. Бироқ, шаҳар бюджетидан илгаригидек катта дотация берилади, ҳаражатларнинг анча қисмини шаҳар ўз зиммасига олади.

Яна бир янгилик: эндиликда кичик, ижарачи корхоналар ва бошқа корхоналар уй-жойларни сотиб олишга ҳақли эмаслар. Марҳамат қилиб эски биноларни сотиб олишсин, ремонт қилишсин...

— Сентябрь ойида бошланадиган хусусийлаштириш тадбирлари, шубҳасиз ҳокимиятларнинг ходимлари, уй-жойларни баҳолаш комиссияларининг аъзолари, шу уй-жойларда яшовчиларнинг ўзлари учун ҳам катта ташвиш келтиради. Оддий бир вазиятни олиб кўрайлик: агар фуқаро унинг квартирасига қўйилган баҳога рози бўлмасачи? Бунда нима бўлади?

— Шундай бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, можаро юз бермаслиги учун ҳамма ишни қилишга ҳаракат қилдик. Шу ишлардан асосийси ҳужжатлар мажмуини тайёрлаш бўлди. Тошкентнинг ҳар бир аҳолиси арзимаган пулга ана шу ҳужжатларни сотиб олиши мумкин. Уларда фуқаронинг ҳуқуқлари, хусусийлаштириш қандай ўтиши ҳақида аниқ ва содда ҳикоя қилинган. Ҳар бир киши квартира қийматини жуда аниқ белгилай олади. Квартираларни хусусийлаштириш тўғрисидаги аризаларни шу йил 31 декабргача район ҳокимиятларига топшириш керак, лекин бу муддатнинг сўнгги кунларини кутишга ҳожат йўқ.

«Ташгоржилпроект» институти хусусийлаштириладиган уй-жойларга нарх қўядиган асосий ташкилотдир. Институт бу ишда катта тажриба тўплаган. Институт ходимларига лойиҳа ташкилотларининг вакиллари, ҳокимиятларнинг, уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаларининг ходимлари ёрдам берадилар. Агар низо чиқса, уни район ва шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги махсус комиссиялар ҳал қилиши керак. Республика пойтахтининг ҳокими уларнинг ишига раҳбарлик қилади.

— Ниҳоят, афсуски, ташвишли савол: хусусийлаштириш чоғида «ёввойи ғарбда» бўлгани каби камбағал одамларни уйдан кўчага улоқтириб юборишмайдими?

— Ишонтириб айтишим мумкин: бундай ҳоллар бўлмайди!

Мустақиллик куни олдидан

«СОВПЛАСТИТАЛ»НИНГ БАЙРАМГА ТУҲФАСИ

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг қалдирғочи бўлмиш «Совпласт-ital» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси обрўси баландлигини яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинган куннинг бир йиллиги арафасида бу ерда байрам рамзи туширилган буюмлар туркуми ишлаб чиқарилди.

Биринчиси, ва балки, энг муҳими шуки, Ўзбекистон Миллий Авиакомпаниясининг хорижий давлатларга учадиган самолётлари озиқ-овқат маҳсулотлари солинадиган пластик идишлар билан таъминлана бошлади. Барча тараққий этган мамлакатларда маҳсулотларни ана шундай идишларга солиш одат бўлган. Афсуски, бир вақтлар барча тан олган обрўли яккаҳоким «Аэрофлот» ҳам бундай қилишни ўзига эп кўрмайди.

— Жамоада республика мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган дастурни ишлаб чиқишга жуда жиддий ёндашилди, — дейди «Совпласт-ital» қўшма корхонасининг бош директори А. Мелкумов. — Бунинг учун энг яхши кучларимиз — конструкторлар, дизайнерлар, технологлар ишга жалб этилди. Бизда бу воқеа оддий воқеа эмаслигини, унга жуда жиддий тайёргарлик кўриш лозимлигини яхши тушунишади.

Александр Николаевичнинг сўзларига шуни қўшимча қиламизки, вужудга келган анъанага кўра «Совпласт-ital» жамоаси Тошкентдаги 22 ва 29-болалар уйларининг тарбияланувчиларига катта мадад кўрсатишди. У ерга мебель, идиш-товоқ жўнатилди.

Энди энг қизиқ бир нарсани айтиб ўтамиз: 26 августдан бошлаб «Совпласт-ital»нинг маҳсулотлари сотиладиган дўконларда харидорларни ёқимли янгилик кутади. Хўш, бу қандай янгилик экан? Сиз буни харид қилгани келганингизда биласиз.

Л. ЛЕВИН,
(ЎзА мухбири).

Шу кунларда қурилиш материаллари танқислигига ҳар жойда дуч келиш мумкин. Аммо «Қаршистройиндустрия» бирлашмасига қарашли йирик панель уй қурилиш корхонаси жамоаси бунга барҳам беришди. Жамоа Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Жиззах, Қорақалпоқ қурувчиларига қурилиш материаллари етказиб беришаяпти. Яқинда афғонистонлик қурувчиларнинг илк буюртмаси бажарилди. 80 оилага мўлжалланган тўрт қаватли бино говараси жўнатилди. Улар етти ой ичида буюртмачиларга 105 минг квадрат метрдан ортиқ панелли уйлар қолипларини етказиб беришди.

СУРАТДА: цех бошлиғи Баҳодир Шамсиев, завод техниги Олим Жўраев ва назоратчи Нурия Абдурафиқова афғонистонликларнинг буюртмасини жўнатиш арафасида.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар.



• *Ш. Рашидовнинг 75 йиллигига*

ШАРОФ АКАНИНГ ЛИМОНЗОРИ...

1979 йил эди. Жумҳурият хўжаликларида лимончилик эндигина тетапоя бўлиб, оёққа туриб келаётган кезлар. Хўжалигимиз Қибрай туманида узумчилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашганди. Шароф ака келадиган бўлиб қолдилар. Меҳмоннавозлик, чапаквозликдан кўра хўжаликни келгусида янада ривожлантириш режалари, муаммоларни бартараф этиш йўл-йўриқлари хусусида пухта ўйлаб, маслаҳат олинадиган масалаларни чамалаб қўйдик. Хўжалик ҳудудида 100 гектарлик Довултепа деган янтоқзор, сув чиқмаган жой бор эди. Шу жойни текислаб, ўрнида лимончиликни барпо этиш таклифини айтдим. Шароф ака хурсанд бўлиб кетдилар. «Шароф ака, Сиз билан менган келажак авлод учун хайрли бир иш бўлиб қоларди», дедим. Таклиф маъқул тушди.

Энг ҳайратланарли ва жамоамиз аъзоларининг ҳанузгача хотирасидан кўтарилмайдиган нарса шуки, лимончилик комбинати қурилиши билан боғлиқ ҳамма ишларга Шароф аканинг ўзи бош-қош бўлдилар. 1979 йил 29 март куни эди. Сира-сира эсимдан чиқмайди. Шароф ака комбинат қурилишига даҳлдор ҳамма раҳбарларни хўжалигимизга йиғдилар. Шу тепалик ўрнида 50 гектар лимончилик комбинати барпо этилади, дедилар. Тошкент шаҳри аҳолиси ёзин-қишин шифобахш лимон, бодринг, помидор ва бошқа резаворлар билан таъминланади. Шароф ака комбинатнинг истиқболини, муаммоларини аниқ ва лўнда тасаввур этар эдилар.

— Алоҳида иссиқхона қурилади: у ТошГРЭСдан чиқиб келаётган арзон нархли иссиқ сув билан таъминланади. Буни Энергетика вазирлиги бажаради. Қурилишни эса Қишлоқ қурилиши вазирлиги олиб боради. Сарф бўладиган 32 миллион сўм пулни эса Ялангоч мавзеи унумдор ерларга айлантирилгани боис қайтариб олмасликни Қишлоқ хўжалик вазирлиги зиммасига юкланди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ҳукуматининг 1979 йил 28 март куни қабул қилинган 243-қарорида муфассал ёритилган.

Шароф аканинг хайрли ташаббуси, келажакни аниқ-равшан кўра билишдек ёрқин салоҳияти туфайли лимончилик комбинати қурилиши бошлаб юборилди. Ҳар йили 4—5 гектардан иборат иссиқхоналар битиб, кетма-кет лимон экиб борилди. Иш жадал суръатларда борди. 1983 йилгача 45 гектар лимонзор барпо этилди. Шаҳар меҳнаткашлари хўжалигимиздан, биз эса Шароф аканинг ҳиммати, ташаббуси, олижаноблигидан беҳад манун эдик. Афсус, минг афсуслар бўлсинки, ёвуз ўлим Шароф акани орамиздан юлиб кетди.

Комбинат қурилиши нима бўлди, деб сўрарсиз. Надоматлар бўлсинки, Шароф аканинг нафаси тўхташи билан қурилиш ҳам тақатақ тўхтади. Улуғ инсон бошлаган ишларни муносиб шогирдлари охирига етказгандир, деб ўйларсиз. Йўқ. Афсуски, уларнинг аксарияти Шароф акага содиқ бўла олмади. Улуғ инсон арвоҳларини хушнуд этиш ўрнига халқпарварлик билан бошлаган ишларининг юзига оёқ қўйишди. Комбинат қурилишига сарфланадиган 32 миллион сўмдан тежабтергаб 22 миллион сўмини харжлаган эдик. Қолган 10 миллион сўмни қайтариб олишди.

Бу ишларнинг ҳаммасида собиқ МКнинг биринчи котиби И. Б. Усмонхўжаев билан обком котиби катта рол ўйнашди, бош-қош бўлишди. Обком котибининг буйруғига асосан, Қибрай туманининг ўша пайтдаги биринчи котиби хўжаликка келди. Қурилишлар билан, мева-сабзавот етиштиришнинг бориши билан танишди. Кейин қутилмаганда: «Сизнинг партбилетингиз йўқ экан, хўжаликни бошқаришингиз қийин. Шунинг учун бошқа одамни тайинлаймиз», деди. На ёшим, на шунча йиллик миришкорлик фаолиятим, меҳнатларим инобатга олинмади. Партия аъзоси бўлмасам нима қилибди? Осмон узилиб ерга тушармиди? Шу ҳам баҳона бўлибди-ю. Шундай покиза масканни бўшатиб қўйгин, дейилиши мен учун ҳақорат билан тенг эди. Икки марта инфаркт бўлдим. 20 йиллик ижодимни бегоналар қўлига топширмайман, асло, дедим. Сизларга ҳалол деҳқон ёқмаган экан, ўзим билан болалигидан бирга ёнма-ён ишлаб келаётган, олий маълумотли ўғилларимдан бирига топшираман, дедим. Ўғлим хўжалик бошлиғи, ўзим бош маслаҳатчи бўлиб қолдим.

Ўн фарзандим бор, худога шукур. Олти ўғил, тўрт қизимнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича олий маълумотли мутахассислар. Ота-болалар бир жойда ишламаслиги керак, деган гап ҳам чиқиб қолди. Ўғил-қизларим лимончиликдан четлаштирилиб, турли далачилик ишларига тарқатиб юборилди. Бошимдаги булутлар камаймади. Кимлардир бошимда «тегирмон» тошини айлантиришда давом этарди. Беш гектардаги лимон кўчатларини буздириб, ёш лимонларни хазон қилиб, ўрнига сабзавот эктиришди. Лимонзор нобуд бўлди, сабзавот ҳам битмади. Кунимиз деҳқончиликдан бехабар одамларга қолганидан кейин шунақа бўларкан-да.

Яна бир эсдан сира чиқмайдиган воқеа: 1986 йили Рамазон ҳайити ёз кунларига тўғри келди. Чин арафа куни дабдурустдан хабар келиб қолди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. Б. Усмонхўжаев билан вилоят партия комитетининг котиби намоз куни эрталаб соат 8.00 да хўжаликка келишар экан. Ўйга толдим. Раҳматли Усмон ота билан Бузрукхўжа акалар ҳар йили улуғ намоз кунлари 5—6 хўжаликларга боришар, кекса деҳқонларнинг суҳбатини, дуосини олиб қайтишар экан. Ҳар икки раҳбар оталарининг урф-одатларини қилишаётган экан-да, дея кўнглим ёришди. Эртаси эрталаб намозни ўқиб келиб, хўжалик идораси биноси олдида кутиб турдим. Аввал Тошкент тумани, кейин Қибрай тумани раҳбарлари келишди. Сўнгра И. Усмонхўжаев билан обком секретари бир машинада келишди. Машинанинг олд ўриндиғида мен, орқасида иккови ўтириб, лимончилик комбинатига юрдик. Эшик олдида милиция машинаси қолиб, ичкарига бизлар кирдик.

Ҳийла юрдик, шофёрга «секинроқ юр, гапимиз бор», дегандек ишора қилишди. Икковлари пичирлашиб олишди, сўнгра узоқдан гап бошлашди. Ўша пайтда «Лимончилик» хўжалиги Ленин номли жамоа таркибида эди.

— Биз 20 кун ичида «Лимончилик»ни мустақил қилиб ажратиб берамиз, — дейишди. Ниҳоятда хурсанд бўлиб кетдим.

— Биз ҳам эл-юртга муносиб хизмат кўрсатамиз, — дедим.

— 45 нафардан ортиқ олий маълумотли ёшлар бор экан хўжаликда. Шулардан 20 нафарини юқори лавозимларга олиб кетамиз, — дейишди.

— Бу ёшлар ҳалол-покиза, ҳар қанча меҳр-рағбат кўрсатсангиз арзийди, — дедим.

Сўнгра одам зоти ҳазар қиладиган қабиҳ ниятларини ошкор қилишди. У қуйидаги мазмунда эди: «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг етук мухбирини олдингизга юборамиз. Сиз Ш. Р. Рашидовнинг қилган ишларини қоралаб, бизнинг тутган йўлни мақтаб ёзасиз. Сабаби — сизнинг сўзингизни ҳамма эътибор билан ўқийди, дейишди.

Шу сўзни эшитган заҳоти кўзим тиниб, аъзойи баданим титраб қақшади, худди безгак тутганга ўхшади. Анчагача тилим калимага айланмади. Узоқ жимликдан кейин кўнглимдаги гапларни шарта-шарта айтдим: Сизлар мени ким деб ўйлаяпсизлар? Мен диндор одамман. Ўлган одамга тил теккизиш гуноҳ саналади. Қолаверса, шундай покдомон зотга қайралган бемаъни тилим йўқ. Сизнинг партиянгизда шундай ишни қилишлик лозим бўлса, ўзларинг қилаверинглар. Бунақанги гуноҳ ишлардан мени ҳоли қўйинглар. Қўлларингдан менга нисбатан нима келса, қилинглар, мен эса, ёлғиз Оллоҳдан нажот тилайман, дедим.

Асабларим таранг, устига-устак шундай бир фаромушлик, паришонлик тутиб, «Лимончилик» ҳудудидаги асфальт йўл четига қўйилган тўсиққа машина рўпара келиб қолганини билмай қолибман. Йўл тор, машина ўтолмайди. Шу боис эзудлик билан машинадан тушиб тўсиқни бир четкага олиб қўйдим. Кейин машинага келиб ўтирсам, обком секретари: «Булар атайин йўлимизга тўсиқ қўйишган», деди-я. Карахтликдан кўзларим тиниб кетди...

Бу хилдаги ноҳақ таъқиблар, ҳужумлар, тазйиқлар биргина менга нисбатан олиб борилган эди, десам унчалик ҳолис бўлмас. Шунингдек, Янгийўл туманидаги Усмон Юсупов бирлашмасининг собиқ раҳбари, миришкор деҳқон Жўра Хоназаров ва бошқа бир неча ўз ишининг усталарига нисбатан ҳам таъқиблар бўлди. Сабаби, биз Ш. Рашидовнинг думи эмишмиз. Инсон шахсини, деҳқон шахсини ерга урувчи, ҳақоратловчи бу хилдаги ҳужумлар кўп маротаба қайтарилди.

Шароф Рашидов шундай бир улкан инсонки, у ҳеч кимнинг ҳимоясига ҳам, мадҳиясига ҳам муҳтож эмас. У киши ўзининг олижанобликлари билан халқимизнинг дилида.

Зайниддин хожи ФАХРИДДИН ўғли,
Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном, «Лимончилик» жамоа хўжалигининг бош маслаҳатчиси.

Истиқлол одимлари: Андижон



Балиқчи районидаги Олимбек жамоа хўжалигининг ишчарачиси Иброҳимжон Турдалиев 10 гектар ерга қовун экиб 150 тоннадан знёд ширин-шакар маҳсулот етиштирди.

СУРАТДА: ишчарачи И. Турдалиев.



Асака районидаги «Шарқ ҳақиқати» жамоа хўжалигида гилам тўқиш цехи иш бошлади. Ҳозир бу ерда ўнлаб қизлар қадимий касб сирларини қунт билан ўрганишмоқда.

СУРАТДА: шу цехнинг иқтидорли гилам тўқувчиси Юлдузхон Тешабоева.

А. УСМОНОВ олган суратлар.

ЭРТАНИНГ ИШҚИ БИЛАН

Қаюм ҲОЛМИРЗАЕВ, Андижон вилояти ҳокими

Мустақиллик ҳақида гап кетса халқимизнинг юзидаги фахр-иштихор, шодликни кўриб кўксим ғурурга тўлади. Ахир юртнинг тўкинлиги, тараққиётга юз тутиши шу элнинг ғайрат-шижоати, матонатидан эмасми? Қолаверса, Ўзбекистонни бугун жаҳоннинг аксарият мамлакатлари тан олди, унинг овозини дунё сарҳадларида зўр қизиқиш билан тинглаяптилар.

Андижон — республикамиздаги энг аҳолиси зич вилоят. Шунга яраша муаммолар ҳам кўп. Лекин гап ҳозир бу ҳақда эмас. Дунё ҳаритасида кўзга тушмас бу юртнинг тупроғига энди хорижликлар дадил қадам қўйишаётир. Эмин-эркин шартномалар тузишмоқда. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш мақсадида маълум битимларга келишаётир. Шубҳасиз, бундай саъй-ҳаракатлар иқтисодиётнинг изга тушиши, саноатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 11 та қўшма корхона ишлаяпти. Сурияликлар билан ҳамкорликда очилган «Ландо» қўшма корхонаси ярим йилда 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Андижон районида Италиянинг «Фенко» фирмаси билан ҳамкорликда бир кунда 900 тонна помидорни қайта ишлайдиган завод ишга тушди. Избоскан районида худди шундай корхонада ишлар илдам боряпти. Асака районидаги паррандачилик фабрикаси мутасаддилари голландлар билан алоқа боғладилар. Маълумки, Голландияда парвариш қилинаётган паррандалар биздагиларга нисбатан тез ривожланади, маҳсулдор бўлади. Шу сабабдан куни кеча фабрикага Голландияда кўпайтирилган жўжаларнинг катта партияси олиб келинди. Ҳукуматимизнинг истиқболли йўналишига 40 миллион сўм ажратганини таъкидлаб ўтмоқ керак. Худди шу корхона омухта ем олиш мақсадида Хитой Халқ Республикаси тадбиркорлари билан ҳам шартнома тузди.

Асака шаҳридаги трактор прицеплари заводининг ўтмишини ким билмайди дейсиз. Ўз вақтида биринчи навбатигина фойдаланишга топширилган корхона оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолганди. Ҳатто навбатдаги цехларни ҳам ишга тушириш имкони йўқ эди. Оқибатда унинг қолган қисмини консервация қилишга мажбур бўлинди. Лекин катта маблағ, меҳнат сарф қилинган бундай корхонани ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмасди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан Жанубий Корея республикасининг ДЭУ корпорацияси президенти билан Асакага ташриф буюрдилар. Икки томонлама музокаралар олиб борилди. Маълум тўхтамга келингач, йилига 60 мингта кичик литражли енгил автомобиль, 40 мингта енгил юк машинаси, 80 мингта микроавтобусни йиғиб, истеъмолчига етказиб бериш қувватига эга бўлади.

Яна бир гап. Мен яқинда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги концерни бошлиғи Анвар Азамович

Юсупов билан Корея Республикасига бордим. ДЭУ корпорациясидаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишдим. Ҳамма ишлар ҳавас қилгудек олиб борилаётир. Лекин уларнинг вакиллари бизда бўлганида жойлардаги ишлаб чиқариш маданияти ва маҳсулот сифати, хўжасизлик, тартибсизликлардан кўнгиллари тўлмади чоғи. Тан олишимиз керак, бизда ҳали яратилган маҳсулотга нисбатан чинакам эгалик туйғуси қарор топгани йўқ. Демоқчиманки, маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берилмаса жаҳон бозорида мушкул аҳволга тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Истиқлол энг аввало қадриятларимизни тиклаш, унутилаёзган урф-одатларимизни янгилаш борасида катта аҳамият касб этади. Яқинда ҳам босқинчи сифатида баҳоланиб, олимлиги, буюк саркардалиги тан олинмаган, ўз юртида қадри оёқ ости қилинган бобомиз Бобур Мирзо номи улуғланяпти. Унинг хотираси ҳурмати вилоятимизнинг энг катта марказий майдони, маданият ва илм масканлари, хўжаликлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи ила юритилмоқда. Нодирабегимнинг 200 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпоннинг аламзада руҳи бугун бироз бўлса-да таскин топмоқда. Чўлпонхонлик, навоийхонлик кунлари доимий анъанага айланиб бораётир. Халқимизнинг эъзозлаб оловдан, сувдан асраган қадимий ва нодир қўлёзмаларини ўрганиш учун дадил қадамлар ташланмоқда.

Ҳар бир миллатнинг шу жумладан ўзбек халқининг маънавий қадриятлари кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Балки улар аждодларимизнинг минг йиллик тажрибалари, тарихи, санъати ва маданияти натижасида юзага келган. Вилоятимизда ҳар йил сентябрь ойининг сўнгги якшанбасини халқ амалий санъати байрами деб эълон қилдик. Ёшидан қатъий назар қўли гул усталар байрамда уюштириладиган кўрикда иштирок этадилар. Ўзларининг санъати, маҳоратини намойиш этадилар. Шуни қайд қилишимиз лозимки, йўқолиб кетаётган миллий чолғу асбобларимизни тиклашга уринаётган «Ғижжак Бобурий» кичик корхонасига ўхшаш устахоналар, кулолчилик, пичоқчилик, мисгарлик, наққошлик намуналари, миллий меъморчилигимиз услубида қурилаётган масжиди — жомелар қадриятларимизнинг тикланаётганлигидан далолат бериб турибди. Маданият-маориф соҳасидаги ўзгаришлар кўнгилга ёруғлик солади. Андижон давлат дорилфунуни, Қишлоқ хўжалик олийгоҳи, Халқ хўжалигини бошқарув олийгоҳи, Тошкент техника дорилфунунида Андижон шаҳобчасининг ташкил топиши мустақиллик йилининг муҳим воқеаларидан бўлди.

Мустақиллик — олий неъмат. Уни асраб-авайлашимиз даркор. Ахир унинг тақдири қўлимизда эканлигини президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳам бежиз таъкидламадилар. Биз бу борада дастлабки қадамни давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдан бошладик. Интизом — бу ҳар бир фуқаро томонидан виждоний бурчларнинг бажарилиши, кишининг ўз иш жойида юракдан сифатли меҳнат қилиши демакдир. Ҳақиқатни айтадиган бўлсак, ҳамиша ҳам бунга амал қилинмаётир. Оддийгина мисол: йилнинг биринчи ярмида вилоятимиз саноат корхоналари омборхоналарида 1 миллиард 800 миллион сўмлик маҳсулот сотилмай тўпланиб қолди. Андижон шаҳридаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Шаҳрихон тикувипак фабрикаси ишлаб чиқаришни вақтинча тўхтатиб қўйишга мажбур бўлдилар. Нега мен бу мисолларни қайд этяпман. Мустақиллик оёқ остини кўзлаб ишлаш degани эмас. Эртанинг умиди, ишқи билан ёниб яшаш керак. Шунда юзимиз ёруғ, виждонимиз пок бўлади.

Вилоятимизда мустақиллик байрамини нишонлашга алоҳида тайёргарлик кўрилаётир. Ишлаб чиқариш жамоалари, корхоналар муносиб совға тайёрлайдилар. Маҳаллаларда, шаҳар, район марказларида ўзига хос кўрик бўлади. Бошқачароқ қилиб айтганда мустақиллик куни одатдаги тантаналардан эмас, халқимизнинг дил тубидаги орзу-умидлари, қутлуғ ниятлари рўёбга чиққан — муборак айёмдир.



Дунёда меҳрга зор бўлмаган жонзот йўқ. Ҳатто тилсиз ҳайвонлар ҳам парвона бўлсанг яйраб ўсади. Мўлкўл маҳсулот беради. Андижон районидаги Ленинград жамоа хўжалиги ёрдамчи хўжалиги аъзолари Насибахон ва Арслон Рўзиевлар эса буни бошқалардан кўра кўпроқ ҳис қиладилар.

СУРАТДА: молларни озиқлантириш пайти.

Т. ҒАФУРОВ олган сурат.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

АВТОМОБИЛЛАРГА АРАВАЧА

Андижон районидаги «Оқ ёр» таъмирлаш заводининг автомобил электр жиҳозларини таъмирлаш цехи ишбилармонлари яна бир хайрли ишга қўл урдилар. Бу ерда енгил машиналар учун аравачалар ишлаб чиқарилмоқда. Шуниси муҳимки, қурилма 450 килограмм юк кўтариш имкониятига эга. Уларга қўшимча тормозланиш системаси ўрнатилганлиги бошқариш учун қулай бўлмоқда.

ИШЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Қўрғонтепа райони босмахонаси ҳовлисида янги велосипедлар пайдо бўлди. Уни меҳнат жамоаси кенгаши ва касаба уюшма қўмитаси ўз ишчилари учун сотиб олди. Бензин танқислиги, транспорт муаммоси оёққа тушов бўлаётганда ишчилар бундай ташвишлардан қутулдилар. Энди улар автобус кутишмайди. Ишга велосипедда келадилар.

(Ўз мухбиримиз).

ХУШХАБАРЛАР

Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан мустақиллик байрами — 1 сентябрь арафасида бу ерда меҳр-мурувват кунлари эълон қилинди. 29 августда барча шаҳар, район ва қишлоқлардаги касалхоналарда беморларнинг ҳолидан хабар олинади, 30 августда қариялар ва болалар уйларидаги кексалар, ногиронлар, етим-есирларнинг кўнгли кўтарилади, 31 августда эса бева-бечора, муҳтож оилаларга ҳайр-эҳсон ва мурувват кўрсатилади. Шундай қилиб, вилоятда истиқлол байрами меҳр-мурувват байрамига ҳам айланади.

* * *

Фарғона водийсида бўлиб ўтган зилзила оқибатида Олтинкўл районидаги 4-ўрта мактаб деярли яроқсиз ҳолга келган, уни таъмирлаш учун кўп маблағ ва вақт талаб этиларди. Шунинг учун ёрдам сўраб «Коммуна» жамоа хўжалиги бошқарувига мурожаат қилинди. Хўжалик раҳбарлари мазкур масаланинг ҳеч ким кутмаган ижросини топдилар. Улар ўзлари эгаллаб турган икки қаватли замонавий бинони мактаб учун бўшатиб, хўжаликнинг эски бошқарув биносига кўчиб ўтдилар.

* * *

Қирғизистон республикасининг Жалолобод вилоятидаги хушманзара Арслонбобда уч кунгача ўзбек куй ва қўшиқлари тинмади. Андижон вилоят қурувчилар ва қуриliш саноати ходимлари касаба уюшмасининг ташаббуси билан бу ердаги сайёҳлар масканида илғор бинокорлардан уч юз киши оила аъзолари билан ҳордиқ чиқарди. Касаба уюшмалари маблағи ҳисобига Арслонбоб, Шоҳимардон ва Саричелак сингари дам олиш масканларида ҳам минглаб андижонликлар мириқиб дам оладилар.

К. НИЗОМОВ.

Қўли қадоқ меҳнат кишисининг қалбига бир лаҳза бўлсаям ором бахш этиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Жалолқудуқ район Маданият уйи қошидаги «Наво» ашула ва рақс халқ дастасининг опа-сингил раққосалари Моҳичеҳра ва Марҳабо Отабековалар ана шундай бахтга муяссар қизлардан.

СУРАТДА: ижодий ҳамкорлик лаҳзалари.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

• *Байрамолди йўқламаси*

ҚАЛБЛАРГА МУҲРЛАНГАН ЙЎЛ

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа тарихнинг парчаси. У ўзининг ўчмас хотираси билан қалбларга муҳрланиб қолади. Мустақилликнинг дастлабки йили имонли, эътиқодли, ишбилармон кишилар ҳаётида ўзгача из қолдирди. Қуйида ана шундай кишиларнинг дил сўзлари билан танишасиз.

Ҳожи Рустам ШАМСИДДИН, Андижон Давлат дорилфунунининг профессори:

— Энг аввало, позиктаъб шоир, моҳир саркарда бобомиз Мирзо Бобурнинг хотирасига ўз юртида кўрсатилаётган иззат-икром улуғ иш бўлди. Боғи Бобурга асос солинди. Энг хушманзара боғ яратган боғбонларга Бобур мукофоти таъсис этилди. Қувонарлиси, Бобур юрган йўллар бўйлаб халқаро илмий экспедиция ташкил этилди. Унинг таркибида бир қанча обрў-эътиборли кишилар қатори мен ҳам Эрон, Туркия, Сурия, Саудия Арабистони ва бошқа кўплаб мамлакатларда бўлиб қайтдим. Гапнинг очиғи, бобомиз босган излар тупроғини кўзимизга суртдик. Лол қоларлиси, Осиё ҳамда Европа мамлакатларида бу табаррук инсонни мўғул қавмидан чиққан деган фикрдалар. Биз Покистоннинг «Ганг», «Янгилик» рўзномалари таҳририятида бўлганимизда, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирлиги каби кўплаб мамлакатларни кезаётганимизда буюк саркарданинг асли Андижондан, ўзбек эканлигини таъкидладик, тушунтирдик. Унинг ҳаяжонли ҳақиқаларга бой, машаққатли ҳаёти ва бетакрор санъатидан сўзлаб бердик.

Дорилфунунимизда мустақиллик шарофати ила «Ўзбек халқлари тарихи» кафедраси ташкил этдик. Талабалар учун қўлланмалар ишлаб чиқдик. Моваройуннаҳр тарихига оид харита ишладик. Айтаверсам, гап кўп. Истиқлол жамоамизни янада ғайрат билан ишлашга ундаяпти.

Абдуғаффор АҲМАДАЛИЕВ, Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори:

— Бирлашмамиз томоғига қадар қарзга ботган эди. Энди миллионларга эгамиз. Демоқчиманки, корхонамиз ишчи-хизматчилари шундай оғир кунларда тер тўкиб ишлашяпти. Мўмайгина даромад ҳам олишяпти. Ошиниб бева-бечораларга, ночорларга ёрдам қўлимизни чўзяпмиз. Англия, Покистон, Ҳиндистон сингари ўнлаб мамлакатлар билан алоқа боғладик. Буларнинг ҳаммаси ўзимизни англаганлигимиз шарофати, Ўзбекистонни бутун дунё тан олаётганлиги оқибати. Бир-икки йил аввалги воқеаларни эсланг. Оддий чиқинди маҳсулотларимизни ҳам Покистоннинг «Меркурий», «Табани» фирмаларига сотолмай хуноб бўлгандик. Москва тиш қайраб туриб олганди. Меҳнат қилиб топган насибамизга шерикчилик қиларди. Энди эришганимиз ўзимизники, яратганимиз халқники бўляпти. Бундан ортиқ бахт борми?

Ҳожи Алижон СИДДИҚОВ, «Ёшлик» савдо бирлашмаси кенгашининг раиси, вилоят кенгашининг депутати:

— Ота-боболаримиз савдогарликни қутлуғ касблардан ҳисоблашган. Элма-эл, юрт-юрт кезган савдо карвонлари халқларга нафақат маҳсулот, балки маърифат, маданият ҳам тарқатган. 60-йилларидан бошлаб жамоамизни мустақил қилишга, хўжалик ҳисобида ишлашга уриндик. Тўсиқлар, дўқ-пўписалар бўлди. Чўчимадик, ортимизга қайтмадик. Халқнинг оғирини енгил қилишга интилдик. Тўғри, кўп бор подадан аввал чанг чиқарганимиз учун жиловимизни тортиб қўймоқчи бўлдилар. Бўш келмадик. Вилоятда биринчилардан бўлиб савдо дўконларимизни хусусийлаштиришга қадам ташладик. Ана шу мақсадда барча дўконларимизни тўпланган жамғарма ҳисобига ижарага оляпмиз. Ҳар ҳолда байрамга ёруғ юз билан келяпмиз.

• *Тарихимиз омонми?*

БОБУР ЮРТИДАГИ АРМОНЛАР

Тарихнинг кўзи кўр, оғзи гунг деганлар адашадилар. Тўғри, шаҳидлар гувоҳлик бера олмасликлари, тилсимотлар сирлигича қолиши мумкин. Лекин боқийликка юз тутган обидалар, ўтмишдан ҳикоя қилувчи суратлар, тилдан-тилга ўтиб юрувчи ўлмас ҳақиқатларчи! Уларни йўқ қилиб бўлармикан! Мухбиримиз Андижон Давлат дорилфунунининг муаллими, иқтидорли олим Муҳаммаджон АБДУРАҲМОНОВ билан Андижоннинг кўҳна тарихи ва унинг бошига тушган қора кунлар хусусида суҳбатлашди.

Муҳаммаджон ака чуқур ўйга толди. Сездим. Андижон тарихи ҳақида гап очиб, унинг дил тубидаги нозик торларини чертиб юбордим. Ахир тошдаги энг нодир ёзувларни ўқий оладиган, билимдон олим учун юртнинг топталиши, вайрон қилиниши борасида сўзлаш азоб-да.

— Суронли, довулли йиллардан эсон-омон ўтиб келган Бобур юрти Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши билан вайрон бўлди. Буюк Ипак йўлида пайдо бўлган бу шаҳар ўзининг қарийб 4 минг йиллик тарихига эга. Ўтмишдан қолган турли ёдгорликлар, обидалар шундан далолат бериб туради. Оқ пошшонинг бузғунчилари бу кўҳна юртга келгунга қадар Андижоннинг атрофи девор билан ўралган, унинг баландлиги 6—7 метр бўлиб, устида бемалол Қўқон арава юраверган. Шаҳарнинг Шимолда Шош, Шарқда Қашқар, Ғарбда Қўқон, Жанубда Ҳакан дарвозалари бўлган. Генерал Скобелевнинг қўшинлари 1871 йилнинг кеч кузида бу ерда қаттиқ қаршиликка дуч келадилар. Юртнинг баҳодирлари ўрис босқинчиларига қарши жон олиб жон бердилар. Лекин тиш-тирноғигача қуроллланган ёвузлар устун келишади. Дарғазаб генерал Андижоннинг кулини кўкка совуришни буюради. Деворлар ер билан яксон қилинади. Қалъалар вайрон этилади. Улар шаҳарнинг бир томонидан назар ташланса, иккинчи томон кўринсин деган қарорга келишганди. Расталар, тарихий бинолар ётқизилган шаҳарни назорат қилиш қулай эди.

— Андижон ўтмишда ўзининг тарихий бинолари билан бир қаторда салобатли масжидлари билан ҳам машҳур бўлган дейишади.

— Шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган «Оқ масжид»нинг доврўғи мағрибдан машриққа етган. XI—XII асрларда тикланган бинонинг кираверишида қуббали иккита минораси бўлган. Ғиштин пештоқлар ниҳоятда нафис, гўзал ишланган. Масжиддан ичкари йўл олинганда таҳоратхона ва қатор ҳужралар жой олган. Унинг қарамақарши томонида ердан 1,5—2 метр чуқурликда миллий меъморчилигимиз намунаси бўлган ҳаммом ишлаб турарди. У яқин даврга қадар ҳам андижонликлар хизматида бўлган. 1968 йилларда вилоят раҳбарлари кўрсатмасига мувофиқ бузиб ташланган. Эндиликда унинг ўрнида «Мотамсаро она» ҳайкали ҳамда ҳиёбон жойлашган.

«Оқ масжид» масаласига келсак, бу мўътабар жойга жуда кўп азиз одамлар ташриф буюришган. Тарихда ёзишларича Хўжа Аҳмад Яссавий, Боборaҳим Машраб, Убайдулло Хўжа Аҳрор, Фурқат, Муқимий каби ўз замонасининг машҳур кишилари қўним топганлар. Хўжа Аҳрорнинг Андижон вилоятида жуда катта ерлари бўлган. Ул зот вақти-вақти билан мулкидан хабар олиб турганлар.

— Муҳаммаджон ака, бизнинг болалик чоғимизда Сиз тавсифини келтирган жойда «Оқ уй» номи бирла юритилгувчи бино бор эди. Ер ости ертўлалари, савдо расталари бўлган иншоот мулкдор бойлар томонидан қурилгани учун ҳам яқин орада бузиб ташланди, шундай эмасми?

— Вилоятнинг собиқ партия қўмитаси биноси рўпарасида жойлашган иншоотни айтаяпсиз-да. Нақадар гўзал, чиройли эди. Ҳозир унинг суратлари қолган. Кўриб юрак-бағрингиз эзилади. Тарихий ёдгорликни ўзининг иссиқ ўрнини сақлаб қолиш, кимгадир яхши кўриниш учун айрим калтабинлар йўқ қилишди. Гапнинг очиғи кўҳна Андижон деймизу, ўзимиз лаб тишлаб қоламиз. Учтўрт иншоотни ҳисобга олмаганда авлодлардан авлодларга элтгулик нимани асрай олдик? Уларнинг аксариятини ер қимирлаш, табиий офат эмас, ижтимоий зилзилалар вайрон этди. Ўз қобиғига ўралиб қолганлар нодонлик, бедодлик қилдилар. Оёқнинг тагидан узоқни кўра билмадилар.

Асримиз бошида Андижонга йирик ўрус савдогарлари келадилар. «Оқ масжид» олдига тўрт кўча бирлашган жойга савдо растаси қурмоқчи бўладилар. Лекин маҳаллий бойлар илдамлик қилишади. Андижондаги сармоядорлар Миркомил Мўминов, Аҳмадбекҳожи Темурбеков, акаука Иброҳимовлар бирлашиб савдо маркази қуриш ҳаракатини бошлайдилар. Бу иш анчагина тадбиркор бўлган корчалон Миркомилбойга ишониб топширилади. 1912 йилда иншоот қурилишига петербургликлар яна бир сармоядор, Қўқондаги банк эгаси Алексеев деган шахс Генерал Монетров армияси қизиллари босмачиларни худди шу ерда отдилар. 1978 йилга келиб, вилоят партия қўмитаси раҳбарлари «оқ уй»ни бузишга фатво бердилар. Биз вилоят зиёлиларининг бир гуруҳи ўша вақтдаги обкомнинг мафкура ишлари котиби М. Муҳитдинов ҳузурига кирдик. Афсуски, у киши сўзларимизни тинглашни ҳам истамади. Бино текисланиб, унинг усти ҳалқа йўл қилинди. Одамларга ҳам ҳайрон қоласан. Нега бу бино бузилаяпти, ахир у маданий мерос-ку, дегувчи бирор киши топилмади.

Майдонбозор, каппонбозорларнинг тақдирини қаранг. Уларни ҳозирги ёшлар тасаввур ҳам қила олмайдилар. Майли дейлик, давр тақозоси уларни сиқиб чиқарибди. Аммо карвонсарой-чи? Уни асраб, тарихий ёдгорлик сифатида сақлаб қолсак бўларди-ку. Ахир, Тўрахонбой томонидан қурилган карвонсаройда Хитой, қадим Рус, Арабистон, Туркиядан карвонлар келган. Шу ерда қўним топганлар. 1958 йилда унинг ҳам баҳридан кечдик. Карвонсарой қошидаги мадраса, ҳаммомни айтинг. Уни XVII асрда мўғуллар тиклашганди. Эндиликда улар ўрнида бетон уйлар турибди.

МУХБИР ИЗОҲИ: Одамларни лол қолдирган тарихий ёдгорликларни вайрон этиш нодонликдир. Энди қанча пушаймон бўлмайлик, афсус чекмайлик фойдасиз. Гўзал обидаларни қайтара олмаймиз. Кўксимизни тўлдириб фахрланиш бахтидан бенасибмиз. Аммо қўлимизни яна гуноҳга ботирмайлик. Оталаримиз руҳи олдида юзимизни ёруғ қилиш учун омон қолган ёдгорликларни кўз қорачиғидай асрайлик. Тўғри, маломатлардан ўзимизни сақлаш учун барча бой берилган имкониятларга сабабчи сифатида турғунлик йилларини айблаймиз. Энди, мустақил мамлакатнинг фарзандларимиз. Ташлаётган қадамимизни ўйлаб босмоғимиз шарт. Токи армон бўғзимизда қолмасин.

Суҳбатдош: Фозилжон ШОДМОНАЛИ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ТРОСТОС» АНДИЖОННИ ТАНЛАДИ

Франциянинг «Тростос» фирмаси ҳақида гап кетса сувни кўрмай этик ечмайдиганлардан дейишади. Улар Андижоннинг табиий бойликлари билан қизиқиб қолдилар. Бир неча кун мобайнида вилоятнинг турли районларида бўлишди. Сўнг қатъий қарорга келдилар. Энди улар андижонлик пиллакорлар билан алоқа қиладилар. Қурт уруғини боқишдан бошлаб, пиллачилик хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш, ипак олиш, ипакдан турли шойи матолар тўқиш ҳамда бу матолардан тайёр кийим-кечаклар тикувчи тўла ишлаб чиқариш циклини юзага келтирадилар. Бошқачароқ қилиб айтганда Андижон ипаги жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган бўлади.

Ушбу саҳифани тайёрлаган Ф. ШОДМОНАЛИЕВ ва А. БОЙҚУЗИЕВларнинг илтимосига кўра қалам ҳақи «Халқ сўзи» обуна фондига ўтказилади.



Шаҳрихонда Абдуфаттоҳ ота Абдуллаевлар оиласини кўпчилик танийди. У ўз фарзандлари билан ота-боболари касби — пичоқчиликни эъзозлаб келмоқда. Улар тайёрлаган пичоқлар бежиримлилиги ва миллийлиги билан бошқа усталар ишидан ажралиб туради. Уста ўз шогирдлари билан кичик пичоқчилик корхонаси ташкил этди. Ҳозир корхонада иш қизғин.

СУРАТЛАРДА: 1. Устанинг ўғли Абдуғани пичоқ тайёрламоқда. 2. Тайёр пичоқлар кўргазмаси. 3. Абдуфаттоҳ ота набираси Абдуғофурга ўз касби сир-асрорларини ўргатмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

• *Тиббиёт қирралари*

ДАРД ТОРТГАН ЯХШИ БИЛГАЙ

Деновнинг тоғ ён бағирларига туташ Хўжасоат қишлоғида туғилган ва мактабга бошқа тенгдошлари қатори чопқиллаб қатнаб юрган Менгбойни тўсатдан оғир дардга чалинади деса, ҳеч ким ишонмасди. 8 ёшли болакай мактабдан оёғи оғриб қайтди-ю, гуппа-гурс ётиб қолди. Олтинчи кун ўзига келиб бир ёнбошига ағдарилди ва шу ётишда 50 кун ўрнидан туролмади. 50-йиллар эди. Эҳ-ҳе, ўша пайтда ҳозиргидай дўхтирлар қаёқда? Бечора Омон ота ўғлини елкасига миндириб олиб бормаган фолбину дуохон, синиқчию табиб қолмади. Борбудини сотиб-совуриб нима бўлсаям ўғлини тузатиб олмоқчи бўлди. Аста-секин чириган ва йиринглай бошлаган оёқ суяги ахийри болдирини тешиб чиқиб, йиринг оқиб ётди.

Ётиб қолгунча отиб қол, қабилида иш тутган ота Менгбойни Денов марказидаги дўхтирхонага олиб келди. Дўхтирлар шикастланган оёқни кесишдан бошқа чора йўқ дейишди. Ота эса оёқ тираб кўнмади. Нижнегородьская деган ўрус дўхтир эса Менгбойни операция қилишга розилик берди. Чириган суякларни олиб ташлаб узоқ операция қилди. Ўша йили Менгбой касалхонадан соғайиб қайтаркан, шифокор бўлиш истагини ҳам кўнглига тугиб чиқди. Тангри Менгбойнинг танасига дард бериб, юрагига эса дардмандга қайғуриш туйғусини ато этди.

Юқорида баён этилганлар ҳозирда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Болалар суяк сили санаторийси бўлим мудири ва шу ердаги республика жарроҳлик маркази бошлиғи, медицина фанлари номзоди Менгбой Омоновнинг ҳаёт йўлидан бир лавҳа, холос.

Шундай қилиб, ёш Менгбой Деновдаги 43-ўрта мактабни имтиёзли тамомлаб Андижон тиббий олийгоҳига ўқишга кирди ва муваффақиятли тугаллаб, ўз юртида жарроҳ бўлиб ишлай бошлади. Уч йилдан сўнг Менгбойни Тошкентдаги республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти клиник ординатурага юборишди.

Бу ерда у асл муддаоси — остеомиелит — суякнинг сурункали йирингли яллиғланишини тузатиш ва олдини олиш чоралари устида бир қатор изланишлар олиб борди.

Хуллас, 1968-70 йиллардаги изланишлари якунлари сифатида номзодлик диссертациясини ёқлади. Мавзу ўз вақтида ҳам, ҳозир ҳам бениҳоя долзарб. Остеомиелит бир ёпишиб олса қайта-қайта ҳуруж қилаверадиган касаллик. Ҳар бир вужуднинг унга қарши иммунологик кураш қобилиятини ўстириш чоралари Менгбой аканинг илмий ишига асос бўлди. Менгбой ака республикада биринчилардан бўлиб мазкур дарднинг иммунологияси ҳақида фикр юритиб, амалий якун ва хулосага келди. Бу хулосалар суяк чириши касаллигидан азоб чекаётган минглаб одамлар ҳаётини ўнглашда жуда зарур эди. Республиканинг деярли барча вилоятларида, Тошкент шаҳрида ҳам юзлаб беморлар суяк касаллигидан жабр кўриб ётарди.

Ўтган 27 йил ичида Менгбой Омонов 8 мингдан зиёд операция қилди. Касби ва ишлари ҳақида сўрасангиз, бирданига ёшариб кетади.

— Агар ҳаётга яна қайта келсам ҳам шифокорликни танлардим, — дейди у. — Фарзандларим ҳам шу касбга қизиқади.

Менгбой ака бутун фаолияти давомида бирорта беморни ноумид қайтармади.

Устози, тўғрироғи илмда оталик қилган раҳматли профессор Насриддин Шоматов унга шундай деб уқтирарди:

— Ўғлим, кўриб турибман, ҳалол ва пок бўлиб ўсган экансан. Доим шундай бўл! Ҳар қайси дардмандни ўз жигаринг деб бил! Чунки ҳаммамиз Одам Ато ва Момо Ҳаво фарзандларимиз. Кенг феъл бўлгин, болам!

М. Омонов устозининг ўгитларига қатъий амал қилди. Бор куч-қудрати, билими, онги-шуурини ана шу олий эътиқодга бахшида этди. Унинг сеҳрли қўлларида шифо топганларни Тошкентда ҳам, вилоятларда ҳам, Қозоғистону Тожикистонда ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Мен ундан болалар санаторийсининг ҳозирги аҳволи ҳақида сўрайман.

— Бизда дори-дармонлар у даражада танқис эмас, — дейди жарроҳ. — Республика ҳукумати, ҳомийларимиз, ҳатто чет элликлар ҳам ёрдам беришади. Лекин муаммолар кўп. Остеомиелит асоратларини йўқотиш учун бугунги кунда барча кучларни бирлаштириш, операция учун зарур нарсалар, сунъий пластик суяклар, системалар, ультратовуш аниқлагичлар, томографлар етишмай қолаяпти.

Ғози РАҲМОН.

ЯНГИЛИКЛАР

КАЛИФОРНИЯ ЧУВАЛЧАНГИ СОТИЛАДИ

ПАХТАКОР районидаги Ульянов номли давлат хўжалигида қизил Калифорния чувалчанги — биогумус етиштирадиган лаборатория очилди. Йил бошида Андижондан 100 минг дона чувалчанг келтирилган эди. У урчитилиб, миллион донага етказилди. Энди, агар харидор чиқса, истаганча сотишмоқчи. Айтишларича, биогумус тушган ерга минерал ўғит солишнинг кераги йўқ. Минерал ўғит йил сайин ерни бузса, биогумус соғломлаштириб боради. Нархи ҳам унча қиммат эмас, дейишмоқда. Ҳар қалай минерал ўғитдан ўн баравар арзон эмиш.

ЕШЛАР ИШЛИ БЎЛИШДИ

БАХМАЛ районн маркази Усмат қўрғонида Жиззах бадиий кулолчилик фабрикасининг «Боғи шамол» номли филиали очилди. Фабрика бу тадбир учун 100 минг сўм пул сарфлади. Усматда шу корхона очилиши муносабати билан яна ўттиздан ортиқ йигит-қизлар ишли бўлишди.

А. МАМАРАСУЛ ўғли, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ ГАЗЛАМАЛАР ЯРМАРКАСИ

Шойи газламалар бирлашмасида «Янги газламалар ярмаркаси» очилди. Унга Фарғона водийсининг барча тикувчилик корхоналари, савдо шохобчалари, кичик корхоналар, ширкатларнинг вакиллари, мебель фабрикаларининг мутахассислари келишди.

60 дан ортиқ харидор буюртмачи 1992 йилнинг янги тур газламаларидан сотиб олишмоқчи.

ДАРОМАДГИРЛАР МАРКАЗИ ИШГА ТУШДИ

Учқўрғон районидаги тижорат техникуми қошида «Билим» жамияти билан ҳамкорликда очилган даромадгирлар таълим марказида талабаларга менеджер, маркетолог, брокерлик касблари сирлари ўргатилаяпти. Машғулотларга жумҳурият марказидан, Россия ва Украинадан лекторлар таклиф этилмоқда. Яқинда марказ машғулотларини дастлабки гуруҳ битириб чиқди.

Р. ИРИСОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

• *Хат эълон қилинмаса ҳам...*

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

МУҲАРРИРИЯТИМИЗГА Тошкент шаҳар «Тинчлик» маҳалласи фаолларидан келган мактубда 92-мактабда 30 йилдан буён ҳинд тилига ихтисослаштирилган ушбу даргоҳни битириб чиқаётган ёшларнинг саводсиз бўлиб қолаётганлиги, бутун бир мактабни ҳинд тилига ихтисослаштириш тўғрисидаги бир вақтлар йўл қўйилган ҳатоликни тузатиш вақти келганлиги баён қилинган. Ваҳоланки, Ҳиндистоннинг ўзида инглиз тилида иш юритилади. Муаллифлар ўқув дастурига ота-боболаримиз тарихини ўрганиш имкониятини берувчи араб алифбосини ўқитиш, Европа давлатлари тилларини ўргатиш масалаларини киритиш мақсадга мувофиқ эканлигини талаб қилишган эди.

Шунингдек, маҳалла фаолларининг хатида иқтидорсиз болаларни ҳунар-техника билим юртларига «ихтиёрий» равишда юборишнинг ўрнига ёшларга мактабнинг ўзида ҳунар ўргатиш йўлга қўйилиши лозимлиги айтилган.

Ушбу хатга Шайхонтоҳур район ҳокими А. Миржалолов имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

«Тинчлик» маҳалла қўмитаси фаолларининг 92-мактаб базасида лицей ташкил этилиши масаласи бўйича ёзишган хати юзасидан текшириш ўтказилди. Маҳалла фаоллари билан қуйидаги масалалар бўйича келишиб, бир қарорга келинди.

1992 — 1993 ўқув йилидан бошланғич синфларда ҳинд тили дарсларини ўқитиш тўхтатилади. Ўқув дастурига инглиз тилини ўқитиш киритилиб, аввалдан йўлга қўйилган араб тили ўқитилиши тартиби сақланиб қолади. Иқтидорсиз ўқувчиларни ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларига жалб этиш таклиф қилинди. Мактаб маъмуриятига ўқув-тарбия ишларини жонлантириш мақсадида ота-оналар учун очиқ эшиклар кунини ташкил этиш юкланди.

• *Мулоҳаза*

БУ КУНЛАР ҲАМ ЎТИБ КЕТАР

— МЕНГА қаранг, ука, тўғрисини айтсам, яшаш оғирлашиб кетди. Мана, мухбир экансиз, айтинг, шуни тан оласизми ё йўқми? Ҳа, баракалла. Энг ачинарлиси, баъзи қийинчиликлар ўзимизга ўхшаган колхозчининг елкасига тушмоқда. Бирданига нима дейишни ҳам билмайсан кищи. Бундай саволларга жуда кўп бор жавоб берган бўлсам-да, ҳар сафар эшитганимда юрагим санчийди. Нотаниш одамдан исмини сўрайман: — Мўмин, — дейди у. Кўзлар ўз сўровига жавоб кутяпти. Нигоҳида «бу бола нима деркин?» — деган ўй сезилиб турибди. Мўмин ака бу саволни кўпларга берганга ўхшайди. Гап оҳангидан ҳеч қачон қониқарли жавоб олмаган. Мен унга янги мустақил давлат ўз халқига бирданига тайёр ошни сузиб беролмаслигини тушунтира олармиканман? Таваккал...

— Мана буёғи мустақил давлат бўлдик, — дейман Мўмин акага қараб. — Шу пайтгача қандай яшаганингизни тасаввур қилиб кўринг-а, Чор Россиясига қулликка маҳкум этилган эдик. Улар оч арслон ҳар нарсага қодирлигини тушунганлари учунгина доимо устингизни бут, қорнингизни тўқ сақлаб келишди. Биз фақат қорин ғами билан яшай бошладик. Буюк ғоялар бўлмиш Озодлик, Эрк каби тушунчаларни деярли унутдик. Юртимиздан олиб кетилган бойликдан устимиз ва қорнимиз учун ажратилгани дарёдан томчи эканлигини кўпчилик ҳали билмайди. Чунки еганимиз олдимизда, емаганимиз ортимизда бўлгач, бошқаси билан ишимиз бўлмаган. Энди жарақ-жарақ олтинларни, пахтани ва бошқа маҳсулотларни Россияга жўнатмаганимиз боис бироз қийналишимизга тўғри келмоқда. Бизга келадиган баъзи маҳсулотлар келмай қўйди ёки осмон нархида сотила бошланди. Ёш давлат учун бу катта зарба эканини биласиз. Ундан кейин собиқ шўро давлатининг 70 фоиз корхоналари нима сабабдан Россия ҳудудида қурилганини тушуниш учун олим бўлиш шарт эмас.

— Йўқ, Мўмин ака, нотўғри ўйлаяпсиз. Президентимиз қишлоқ хўжалик ходимлари манфаатини ўйлаб, кетма-кет қарорлар чиқармоқда. Яқинда Вазирлар маҳкамасининг ҳам бир қанча қарорлари матбуотда чоп этилди. Жорий йилдан бошлаб жамоа хўжаликларига етиштирган пахтасининг 15 фоизи, сабзавотнинг 50 фоизи қолдирилади. Бу кўрсаткич пиллада 25 фоизга етганидан хабарингиз бўлса керак? Улар колхозчи манфаатини ўйлаб қилинаяптими, ахир?

— Сиз хоҳлаган жамоа хўжалигига бориб кўрингчи, қани заҳирасида маблағи бормикан? Билсангиз, деҳқонга бериладиган маошни ҳам банклардан қарз олиб тўлашяпти. Кўчаларни асфалтлаш, газлаштириш, водопровод линиялари ўтказиш, мактаб-ясли ва бошқа бир қанча қурилишлар ҳам хўжаликларнинг ўз пулидан бўлмоқда. Улар учун аввалгидек давлат бюджетидан маблағ ажратилаётгани йўқ-ку, ахир. Сиз айтган фоизлар сотилгач, қолгани қарзни тўлашга етса ҳам катта гап. Кеча бир қўшним дўкондан ўзига ажратилган унини ололмади. Бундай кишилар сиз айтган гапларга қулоқ солишармикан?

— Масалан, нималар назорат қилинмаяпти? Аниқроқ қилиб айтоласизми?

— Эҳ, аттанг, гапимиз чала қоладиган бўлди. Ана, менинг автобусим кетаяпти. Узр...

— Мўмин ака, ҳеч бўлмаса ўзингизни таништириб кетинг. Қаердансиз, нима иш қиласиз, балки яна учрашармиз, ахир. Ёки...

— Отимни биласиз. Касбим эса деҳқончилик. Қолганининг асло қизиғи йўқ. Гап қўрқишда эмас, хотиржам яшашни истайман. Тақдир насиб этса яна бир кун суҳбатимизни давом эттирармиз. Ҳозирча хайр, ука.

Ҳақиқатан ҳам Мўмин ака айтгандай савдодаги қийғирликлар ўтиш даврида халқит бермаяптими? Ўзимизда танқислик юз бериб турган бир пайтда эгри қўллардан баъзи моллар ҳуфиёна йўллар билан четга чиқарилмоқда. Бу республикамиз иқтисодига берилаётган зарбалардан бири.

З. Мақсудова бир неча йилдан буён Ғиждувон шаҳар матлубот жамиятига қарашли «Болалар дунёси» дўконининг пойафзаллар бўлимида сотувчи бўлиб ишлайди. Опахонни «ғафлат» босиб харидор Муҳаббат Нуровадан 11 сўму 33 тийин уриб қолибди. Бу маддалаб кетган тугунча назоратчилар томонидан «операция» қилиниб зарарсизлантирилди. Халқ суди унга бир йиллик аҳлоқ тузатиш иши белгилади.

Шунга ўхшаш мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Унинг ўтиш даврига нима алоқаси бор, дейишингиз тайин. Мўмин аканинг «қўшнимнинг ун олишга пули қолмабди», — деган гапини эсланг. Қолаверса, Шофиркон районида бўлган йиғинда ҳам қўйилган талабларнинг бирида «савдодаги тартибсизликларга барҳам бериш» сўралганди. Шуни унутмайликки, чангалзорга ўт кетса, гуноҳкорларга берилган жазо зарар ўрнини қоплай олмайди.

Ҳамсуҳбатим олий ўқув юртларига ўқишга киришдаги тартибсизликлар ҳам ўтиш даврига ҳалақит беради, деган эди. Мен бу борада умумий гап қилмоқчи эмасман. Аммо баъзи талабалар битта имтиҳоннинг нархи фалон минг сўмга чиқди, дейишяпти. Афсуски, улар исм-фамилияларини айтишдан қўрқишади. Сабаби эса ўзингизга аён... Энди, айтинг, яширинча пора билан ўқиётган «чала муллалар» республикамиз илм-фанига ҳисса қўша оладими? Бундай талабаю домлалардан қутулиш пайти келмадими? Пуллик ўқиш учун эса халқимизнинг моддий эҳтиёжи ҳам ўшанга яраша бўлиши керак. Ҳозирги аҳвол эса бунга жавоб бермайди.

Мафия деганига эса ҳеч тушунолмайман. Биров хуфиёна, биров ошкора тазйиқ ўтказиш дейди. Яна бировлар уни енгиб бўлмаслигига урғу беришади. Наҳотки мафия дегани дев мисол бўлса? Ким билади, балки уни ички ишларда ишлаётганлар билишар?..

Мўмин ака айтганидек, мана шунақа салбий ҳолатлар ўтиш даврига бевосита таъсир этмасмикан?

Маннон ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» мухбири.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ

АРМОНИМИЗ АТЛАНТАДА УШАЛАДИ

Ўзбекистон Барселона олимпиадасида МДҲ таркибида қатнашди. 17 нафар спортчимиз ва делегациямизнинг бошқа аъзолари сарф-ҳаражатини ҳам Москва кўтарди. Халқда «пулини ким тўласа, мусиқани ҳам ўша буюради» деган нақл бор.

— Мен ўзимни оқламоқчи эмасман. Биз эшкак эшувчилар баҳсида кутилганидек қатнаша олмадик. Сабаби — олимпиадага ўзимизнинг чирчиқлик мураббийлар кўрсатмаси асосида тайёрланганлигидик. Испанияда эса МДҲ жамоаси мураббийлари кўрсатмасига амал қилишга мажбур бўлдик. Бу йўл-йўриқлар бизнинг машқ услубимизга тамоман зид эди. Менинг назаримда МДҲ жамоаси мураббийси ғолиб бўлишимизни истамаётгандек эди, — дейди Иван Креев.

Жамоа ҳисобида олтин соврин соҳибаси бўлган ҳамюртимиз Розалия Галиева журналистларнинг «нега сен шахсий мусобақаларда қатнашмадинг» деган саволига: «устозлар шуни хоҳлашди!» — деди лўнда қилиб.

Гап мантиқан нимага бориб тақалаётганини англагандирсиз? Тўғри, ўзбекистонлик олимпиадачилар Барселонадан қуруқ қайтишмади. 3 олтин, 2 кумуш ва 1 бронза соврин. Бу озми ёки кўп? Олимпиадада иштирок этган 173 мамлакатдан 109 таси юртига «қуруқ» қайтганини эсласак, бу яхши натижа. Аммо...

— Мен Барселона ўйинларида Ўзбекистон Республикасининг гимни янграшини жуда-жуда хоҳлаган эдим, — деди журналистлар билан учрашувда Ўзбекистон миллий Олимпиада Қўмитасининг президенти Обид Назиров. — Бунинг учун вакилларимиздан ҳеч бўлмаса бири шахсий баҳсларда ғолиб чиқиши лозим эди. Афсуски...

Олимпиаданинг очилиш маросимида ҳамюртимиз Анатолий Асрабоев қўлида Ўзбекистон байроғи ҳилпиради. Учрашувларнинг биридан сўнг катта дошқозонда дамланган ўзбекча ошнинг мазаси ҳали қатнашчилар оғзидан кетгани йўқ. Ҳаммаси зўр бўлди. Бутун дунё мамлакатлари вакиллари халқимизнинг меҳмондўстлигига тасаннолар айтди. Аммо дилда бир ўкинч бор — Ўзбекистон гимнини эшитиш уларга насиб этмади.

— Умуман олганда, вакилларимиз қатнашувидан қониқдик. Ўйлайманки, келгуси олимпиадада республикамиз гимнини эшитиш армони ҳам ушалади. Бунинг учун биз бугунданоқ ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон Миллий Олимпиада Қўмитасининг вице-президенти Собир Рўзиев Барселонада асосан чет эллик тадбиркорлар билан мунозаралар олиб борди. 2000 йилда олимпиада ўтказиладиган даъвогар шаҳарлар сафида Тошкент ҳам борлиги хорижий ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Олмониянинг «Адидас» ва Японияннинг «Сисима» фирмалари ўзбекистонлик спортчиларни барча халқаро мусобақаларда кийинтиришга тайёрлигини билдирди.

— Улар спортчиларимизга кийимларни текин беришмоқчи. Бунинг эвазига вакилларимиз ўша фирмалар маҳсулотларини тарғиб қиладилар. Тошкентнинг даъвогар шаҳарлар сафидалиги бизга улкан имкониятлар очиб беради. Биз барча таклифларни тарозига солиб, энг мақбулларини танлаб оламиз, — деди С. Рўзиев.

Учрашувда олимпиадачиларимиз журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Шавкат ИСРОИЛОВ, ЎзА мухбири.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.30. № Г—298 тираж 25376. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12